

Жиддада энг кичик Қуръони карим намойиш этилмоқда



15:24 / 03.01.2019 4009

Гиннес рекордлар китобига кирган дунёдаги энг кичик Қуръони карим Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ташкил этилган IV халқаро китоб кўргазасидан жой олди. Бу ҳақда ал-Халиж хабар манбаси хабар берди. Ушбу Қуръони каримнинг узунлиги 20 мм, кенглиги 15 мм, қалинлиги эса 8 мм.га тенг.

Шунингдек, кўргазмада 180 мингдан ортиқ турли хил китоблар намойиш этилмоқда. Кўргазмага кунига 50 минг нафар томошабин ташриф буюрмоқда. Бу йилги китоб кўргазмаси *“Китоб, тинчлик ва бағрикенглик”* номи билан аталган бўлиб, унда 40 давлатдан 400 га яқин нашриётлар ўз маҳсулотлар билан иштирок этмоқда.

Кўргазма жорий йилнинг 5 январига қадар давом этади.

Islom.uz портали таҳририяти